O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 22 июль, № 143 (4553) Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 21 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.**



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Дўрмон қароргоҳида Кувайт Давлати Амирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Кувайт давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг якка-якка суҳбатида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Кувайт Ўзбекистоннинг Форс кўрфази минтақасидаги энг яқин ва ишончли шерикларидан бири эканини қайд этди. Ушбу ташриф 2004 йилда бўлиб ўтган ал-Кувайт саммитининг мантиқий давоми эканини таъкидлаб, бу галги музокаралар икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада ошириб, янги мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасида маънавий яқинлик бор. Хусусан, Кувайтда Мовароуннаҳрнинг ислом цивилизацияси, жаҳон илми ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қаралади. ISESCO томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани халқимизни қанчалик қувонтирган бўлса, Кувайт жамоатчилиги ҳам бу хабарни шунчалик катта хушнудлик билан кутиб олди.

2004 йилда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 2006 йилда эса «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарлари Кувайтда араб тилида нашр этилди. Бу Ўзбекистон ва Кувайт сиёсат соҳасида, хусусан, халқаро ва минтақавий миқёсда тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи турли таҳдидларга қарши курашда жипслик ва ҳамкорлик зарурлиги борасида ҳамфикр эканидан ёрқин далолатдир. Бу ҳамфикрлик икки мамлакатнинг терроризм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши курашишда, Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамжиҳат ҳаракат қилишга интилишида ҳам намоён бўлмоқда. Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида терроризм, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битим амал қилмоқда. Кувайт Трансафғон йўли лойиҳасига ҳам катта қизиқиш билан қарайди.

Мамлакатларимизнинг экология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам жуда долзарб масала. Кувайт сувдан тежамли фойдаланиш борасида катта тажрибага эга. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш нафақат сув хўжалиги, балки қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳалари, шаҳар инфратузилмалари учун ҳам фойдалидир. Тежамкорлик ҳақида гап кетганида, масала ўз-ўзидан энергетика соҳасига бориб тақалади. Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорликда энергия тежашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиши ва биргаликда фойдаланиши мумкин. Мамлакатларимиз энергия манбаларининг бой захираларига эгалиги эса нефть ва газ конларини топиш ҳамда ўзлаштириш борасида ҳамкорлик учун катта имкониятдир.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид ҳужжатлар имзоланган. Бундай ҳуқуқий асос ўзаро алоқаларни деярли барча йўналишларда ривожлантириш учун яхши имкониятлар очмоқда. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро савдо кўламини янада ошириш, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини фаоллаштириш, учинчи давлатлар билан шериклик алоқаларини ривожлантириш имконини беради. Масалан, Трансафғон йўлининг барпо этилиши йўл ўтадиган жойларда ривожланган, кўп тармоқли инфратузилма юзага келишини, Афғонистон аҳолисининг иш билан банд бўлишини, ушбу мамлакатнинг минтақавий интеграция жараёнларига қўшилишини таъминлайди. Шу билан бирга, бу йўл Ўзбекистон билан Кувайтни бир-бирига яқинлаштиради. Бу эса Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари ўртасида улкан интеграция макони вужудга келади, демакдир.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ ўзаро мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишда Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Мазкур ташкилот дастлаб 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди. 2004 йилдаги ал-Кувайт саммити асносида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатимиздаги сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига оид 9 та лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни назарда тутади. Меморандум доирасида 2005 йили

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимиз раҳбари ўтган ҳафтада бўлган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида эл-юрт манфаати учун кураш кундалик юмушимизга айланиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларда — у раҳбар бўладими, олиму мутахассисми, фермеру ишчими, ижодкору журналистми — ҳамма-ҳамма кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиши лозим. Шундагина юксак тараққиёт сари дадил одимлаётган юртимиз янада равнақ топади, халқимиз турмуши бундан-да фаровон бўлади.***

# ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ — УСТУВОР МАҚСАД

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари таҳлили билан танишарқансан, амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларию мислсиз ўзгаришлардан фахрланасан, киши. Ахир ўтган даврда халқ хўжалигининг барча соҳаларида жуда катта ижобий ўзгаришларга эришилди. Маълумотларга эътибор беринг: ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришида 12,2 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоиз, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоиз, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича 18,9 фоиз ўсишга эришилди.

**▼ Нигоҳ**

Мажлисда қўлга киритилган ана шу ютуқлар сарҳисоб қилинар экан, айниқса, ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатларда, энг асосийси, экспортнинг қарийб 1,5 баробар кўпайиши ҳисобига ўсганлиги қайд этилди. Очиғи, бундай юқори кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу мамлакатимизда кейинги йилларда инвестиция, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларининг изчил амалга оширилиши самарасидир. Пировардида иқтисодиётнинг барча тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, хориж инвестициялари жалб этилиб, қайта ишлаш корхоналари вужудга келмоқда. Буни шу йилнинг ўтган даврида 185 та янги ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бунинг аҳамияти нафақат ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушининг ошиши билан белгиланади, балки аҳоли бандлигини таъминловчи манба сифатида ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида янги қувватларнинг ишга солиниши туфайли 372,1 мингта иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг аксариятига ёшлар жалб қилинди. Зотан, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш давлатимиз фаолиятининг энг устувор йўналишларидан биридир. Буни "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар яна бир бор тасдиқлайди. Шу ўринда бир рақам келтирсак, биринчи ярим йилликда ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 миллиард сўм имтиёзли кредит берилди!

Мамлакатимиз раҳбари эришилган ютуқлар ҳақида тўхталиб, энг асосий вазифа — Ватан равнақи ва эл манфаати нуқтаи назаридан фаолият кўрсатиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида амалга оширилиши зарур бўлган бешта устувор йўналишни илгари сурди. Яъни, Маҳаллийлаштириш дастури, соҳаларга жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти, таълим тизимидаги ислоҳотлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар самарадорлигини ошириш, кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш каби масалалар муҳокама этилди, бу борада аниқ йўл-йўриқлар берилди.

Коллеж ва лицейлар фаолияти хусусида жиддий фикр-мулоҳазалар айтилди. Бу бежиз эмас. Нега деганда, айни пайтда ўзлари танлаган йўналиш бўйича ушбу билим юртларини минглаб йигит-қизлар битириб чиқмоқда. Хўш, уларни иш билан таъминлаш қандай кечмоқда? Улар эртага ўз иш жойларини топа оладиларми? Албатта, бу масала бугунги кунда мутасадди раҳбарларни безовта қилиши, бу ҳақда жиддий иш олиб боришлари зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ана шундай жиддий масалалардан яна бири аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашдир. Шуни таъкидлаш керакки, дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи кескин ошиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз бозорларида ободончилик, арзончилик. Бу аҳоли манфаатини ўйлаб амалга оширилаётган жуда катта чора-тадбирлар натижасидир. Аммо ўз манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўювчи айрим шахслар ҳам учраб тургани ачинарлидир. Бундай "чаққонлар" ноқонуний йўл билан эл ризқидан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Айтинг, юрт ва халқ манфаатидан устун яна нима бўлиши мумкин?!

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблиги, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар самараси билан изоҳланади. Жумладан, бу йил юртимиз ғаллакорлари томонидан 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этилди. Давлатимиз раҳбарининг ғаллакорларнинг меҳнат зафари муносабати билан йўллаган табригида таъкидланганидек, бундай ютуқ ва марралар, энг аввало, юқори ҳосилдорликка, яъни ўртача 48 центнердан ҳосил олишга эришганликлари, ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Иқтисодиётимиздаги бундай ўсиш кўрсаткичлари мамлакатимизнинг дунёдаги нуфузи йилдан-йилга ошишига хизмат қилаётир. Узоққа бормайлик, яқиндагина Халқаро валюта фондининг ижрочи директорлари кенгаши йиғилишида Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши, ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдаги ўсиши, чет эл инвестицияларини саноат корхоналарига жалб этиш, маҳаллий валюта қадрини ошириш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори баҳоланиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида етакчилардан эканлиги эътироф этилди.

Интилишсиз ва курашсиз тараққиёт бўлмайди. Тараққиёт бизнинг ёрқин эртамизни белгилаб берувчи муҳим омилдир. Зеро, мамлакатимизнинг эртанги равнақи, халқимиз турмуши фаровонлигини бундан-да ошириш борасида қилинаётган кенг кўламли ишларда ҳар биримиз ва ҳаммамиз фаол иштирок этишимиз лозим. Шунда кўзланган олий мақсадларимизга тезроқ эришамиз.

**С. РАҲМОНОВ.**

***Хабарингиз бор, мамлакатимизда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун нормалари 2008 йил октябрь ойининг охирги 10 кунлигида кучга киради. Мухбиримиз ушбу Қонун ижроси юзасидан тегишли мутасаддилар билан суҳбатлашди.***

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ — МУҲОФАЗАДА

**Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси бош директори Миродил Мирсодиқов**нинг таъкидлашича, жорий йил апрель ойида матбуотда эълон қилинган мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар, тадбирлар олиб борилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун ижроси бўйича кўриладиган чора-тадбирларга доир махсус қарор қабул қилинди. Унда республикамизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш механизмлари аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ташкил этилиб, Жамғарма тўғрисидаги низом, Жамғарманинг кузатув кенгаши таркиби ва бошқарув тузилмаси, шунингдек, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари тасдиқланди.

**▼ Қонун ва ижро**

— Биласиз, — дейди суҳбатдошимиз, — Қонунда белгиланган нормаларга мувофиқ, транспорт воситасига эгалик ҳуқуқи бор шахснинг жавобгарлиги суғурта қилиниши лозим. Бунда суғурта қилдирган одам йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида учинчи шахсга талафот етказса, кўрилган зарар суғурта компанияси томонидан қопланади. Транспорт эгасининг суғурта қилинганлиги ҳақидаги махсус давлат белгиси автомобиль олд ойнасининг тепадан ўнг бурчагига жойлаштирилиши зарур. Ушбу махсус давлат белгиси оқ рангда ва 15Х10 сантиметр ўлчамда бўлади. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пулига келадиган бўлсак, бу миқдор 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгилаб қўйилди. Ваҳоланки, бу Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қарорига биноан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули минимал иш ҳақининг эллик баробарига тенг эди. Бунда етказилган зарарни қоплаш учун белгиланган суғурта пулининг миқдори минимал иш ҳақининг 20 баробарини, ўлим билан тугаган зарарни қоплаш учун эса минимал иш ҳақининг 30 баробарини ташкил этарди.

М. Мирсодиқовнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини қайта шакллантириш ва ривожлантириш ҳақидаги давлат дастурига биноан, мажбурий суғуртанинг халқаро тажрибада синалган бошқа турларини ҳам кенг жорий этиш кўзда тутилган. Бу, шубҳасиз, истиқболда суғурта хизматларининг кенг оммалашувига, демакки, суғурта тизимининг ривожланишига, юртимиз суғурталовчиларининг молиявий салоҳияти янада юксалишига хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта

(Давоми 2-бетда).

## Артуро Херчандез-Басаве:
# «ОРАСТА ВА ОСУДА ЮРТ»

***— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз менда ва оила аъзоларимда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди Мексика Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси (қароргоҳи Исломободда жойлашган) Артуро Херчандез-Басаве юртимизга қилган ташрифи таассуротлари билан ўртоқлашар экан.***

Мексика — саноатлашган аграр мамлакат бўлиб, Лотин Америкасининг энг ривожланган давлатларидан биридир. Ҳудуди — салкам 2 миллион квадрат километр. Пойтахти — Мехико шаҳри. Мексика федератив республика бўлиб, 31 та штат ва федерал округлардан иборат. 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,346 триллион АҚШ долларига тенг бўлди.

**▼ Биз ва дунё**

Мексика Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрь куни тан олган. 1992 йил 16 мартда икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Айни пайтда ҳар икки давлат сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни фаол ривожлантириб бормоқда.

Олти кунлик ташрифи доирасида А. Херчандез-Басаве Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қатор вазирлик, идора ва муассасаларда учрашувлар ўтказди. Элчи, шунингдек, мамлакатимизнинг қўҳна шаҳарларидан бири Самарқандни зиёрат қилди.

Ташриф ниҳоясида А. Херчандез-Басаве «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

— Мексика Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири деб ҳисоблайди, — деди дипломат. — Ўтган 17 йил мобайнида юртингизда ҳукмронлик қилаётган сиёсий барқарорлик салмоқли иқтисодий натижаларни қўлга киритиш ҳамда ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА



**2008 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилган янги ишлаб чиқариш объектлари сони 185 тани ташкил этди.**

**Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит, тадбиркорларнинг ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши, шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани туфайли "Асака текстиль", "Сурхон текс", "Навбаҳор текс", "Риштон текстиль" сингари ўнлаб янги корхоналар фаолият кўрсата бошлади.**

# ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тўқимачи — Ангрен темир йўл қисмини электрлаштириш» (20 миллион), 2006 йили «171 туман шошилинч тиббий ёрдам марказини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» (20,75 миллион) лойиҳалари учун маблағ ажратилди. Ушбу жамғарма билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унинг ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистондаги таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига доир жами 26 лойиҳа кўриб чиқилди.

Икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланган. Бу ҳужжат ишбилармон доиралар ўртасида алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакатнинг экспорт, сармоя ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятига доир семинар, кўргазма ва тақдимот маросимлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бундай муваффақиятли ҳамкорликка яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин музокарада таъкидланганидек, ҳозирги кўрсаткичлар томонларни қониқтирмайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми нисбатан паст бўлиб, асосан, Ўзбекистоннинг экспортидан иборат. Шу боис маҳсулотлар турларини қайтадан биргаликда кўриб чиқиш, савдо-сотиқни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Қўшма корхоналарни кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ўтказиладиган анъанавий пахта, тўқимачилик, сайёҳлик ярмаркаларида, бошқа иқтисодий форумларда, юртимизда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида Кувайт вакилларининг кўпроқ ва фаолроқ қатнашишини таъминлаш икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Музокарада гуманитар ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. 1996 йили Тошкентда Кувайт халқаро хайрия ташкилоти — Осиё мусулмонлари қўмитасининг бўлими очилган. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аждодларимизнинг юбилейларига бағишланган тантаналарда Кувайтдан нуфузли делегациялар иштирок этган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Кувайтнинг вақф ва ислом ишлари вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

2007 йили Тошкент ва Самарқандда ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро анжуманда, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган бошқа қатор тадбирларда Кувайтдан олимлар, мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Бундан ташқари, Кувайт санъаткорлари Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий қатнашчиларидир. 2007 йили бўлган фестивалда Гран-при — олий мукофотга Кувайт вакиллари сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Музокарада илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, спорт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати билан мазкур жамғарма ўртасида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси (12,97 миллион АҚШ доллари), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайтнинг «Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons» компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазирлик билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг 2004 йилдаги Кувайтга расмий ташрифи чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлса, бу галги Тошкент саммитида ана шу пойдевор янада мустаҳкамланиб, икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилди. Демак, Ўзбекистон — Кувайт муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎзА).

*Сурхондарё вилоятида 698 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Эркин Кўчкиновнинг айтишича, барча маҳаллаларда мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрамига ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди.*

# ШИЖОАТЛИ МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Сир эмас, ўз вақтида бобою бобокалонларимиздан қолган жой номлари, атамалар унутиб юборилаёзган эди. Масалан, Қумқўрғондаги «Тактўғай» қишлоғининг номини ўзларича янгилаб, фалон колхознинг «Биринчи бригадаси» дейиш расм бўлганди. Қишлоқ аҳли қисилиб яшарди: йўллар тор. Томорқа йўқ. Сув, газ таъминоти ҳаминқадар, тадбиркорлик қилай десанг — тақиқланган. Хўш, энди-чи? Ҳозир «Т. Муқимов» деб номланган ва 2575 аҳоли яшаб турган бу маҳалланинг ҳар бир фуқароси мустақилликнинг ҳар бир йилини зўр шодиёна билан байрам қилишади.

▼ Ифтихор

— Негаки, мустақиллик тафаккур ва тақдиримизни, йўлимизни фаровонлик сари ўзгартириб юборди, — дейди маҳалла фуқаролари йиғини раиси Рустам Хўжаев. — Биз кимлигимизни англаб етдик. Карахт шуурларимиз уйғонгандай бўлди. Истиқлол бизга фикрлаш, ишлаш, юрт ва рўзғорни обод қилиш имконини берди.

Хўжаев гапини маҳалланинг фермерлари устидан давом эттирди. Улар — еттита. «Саодат» фермер хўжалиги — энг пешқадам. Ғалла ва пахта етиштиришга усталиги ўз йўлига. Қўраси тўла — чорва. Қўрғони тўла — техника. Хўжаликнинг бошлиғи Саидаҳмад Умидиллаевнинг ҳожатбарорлиги ҳаммасидан зиёда фазилат. Ҳашару тўй-маъракаларнинг бошида. Эҳтиёжманд оилаларга сигир тортиқ қилишми ё бошқа ёрдам кўрсатишми — бу каби хайрли ишларга жон деб бош қўшади. Ва бошқаларни ҳам изидан эргаштира олади.

Юсуф Йўлдошев — ёш йигит. Маҳалланинг бутун туманга, вилоятга танилган тадбиркори. Истиқлол йилларида у катта ишга қўл урди. Ҳовлисида 300 бош қорамол боқадиган ферма ташкил қилди. Хўжакўрсинга эмас. Бир новвосларни боқадики, ҳар бири тирик вазнда бир тоннагача тош босади. Бўрдоқига боғлаган моли бир кунда бир ярим-икки килограммга семиради.

Юсуфдан намуна олиб Тактўғайда сердаромад иш излаб паришон бўлиб юрган йигитлардан, ишонаверинг, юзтаси ҳовлисида мол боқишга киришди. Меҳнат қилишга, ҳалол меҳнати эвазига даромад олишга, сармоядор бўлишга ўрганишди.

— Шулардан ўн нафари бир йилнинг ўзида янги машина — «Нексия» сотиб олди, — дейди Рустам Хўжаев. — Ҳар бир хонадонимизда енгил машина. Баҳаво уйлар. Ҳар бир кўнгилда эзгу ниятлар. Истиқлол одамларимизга ҳавас билан, завқ билан яшашинтилишларни бахш этди. Бизга у шуниси билан азиз. Шуниси билан қадрли.

Ҳа, Тактўғайда байрамни қандай нишонлашни яхши биладилар. Унга муносиб тараддуд кўрадилар. Фақат фаоллар эмас, бутун эл, бутун каттакичик тараддуд кўради: бадиий ҳаваскорлик тўгараги дастурига жило беради. Спортчилар машғулотларини кучайтиради. Тадбиркору омилкор одамлар беморларни йўқлайдилар. Ногиронларга совға-салом улашадилар. Байрам кайфияти, хуллас, ҳар бир хонадонда, ҳар бир киши кўнглида жавлон уради.

— Ўзимизга яраша муаммоларимиз, ташвишларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Йўллар, кўприкларимиз таъмирталаб. Хизмат кўрсатиш нуқталарини янада ободонлаштирмоқ керак. Касаначилик асосидаги иш ўринларини кўпайтирамиз. Қишлоқда маънавий-маданий тадбирларни ўтказишнинг тизимини яратмоқ муҳим. Демак, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимизга тўғри келади.

Биз яна Эркин Кўчкинов билан гаплашамиз.

— Маҳаллалар огоҳликнинг, ҳамжиҳатликнинг мактаби бўлиб шаклланди, — дейди у. — Мустақиллигимизнинг ҳар бир шонли саҳифаси бу мактабнинг салоҳиятига салоҳият қўшиб бораверади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 22 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1281,31 | 1 Малайзия ринггити | 406,32 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2622,42 | 1 Польша злотийси | 649,07 |
| 1 Дания кронаси | 279,76 | 1 СДР | 2148,57 |
| 1 БАА дирҳами | 357,88 | 1 Туркия лираси | 1105,86 |
| 1 АҚШ доллари | 1314,43 | 1 Швейцария франки | 1287,39 |
| 1 Миср фунти | 248,40 | 1 ЕВРО | 2086,00 |
| 1 Исландия кронаси | 16,70 | 10 Жанубий Корея вони | 12,94 |
| 1 Канада доллари | 1307,11 | 10 Япония иенаси | 123,14 |
| 1 Хитой юани | 192,51 | 1 Россия рубли | 56,67 |
| | | 1 Украина гривнаси | 271,56 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

А. Херандез-Басавенинг таъкидлашича, Мексика Ўзбекистон билан расмий ва ишбилармон доиралар вакиллари делегациялари алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда турли бизнес-форумлар ташкил этиш ҳамда Ўзбекистонда ўтказиладиган турли кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишни режалаштираяпти.

— Ҳозирги пайтда мамлакатларимиз кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган янги режаларни ишлаб чиқмоқда, — дейди элчи. — Технологик тараққиётнинг ҳозирги даражасини ҳисобга олсак, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожида масофанинг узоқ

## Артуро Херандез-Басаве: «ОРАСТА ВА ОСУДА ЮРТ»

яқинлиги катта аҳамият касб этмаётганини кўрамиз. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат бўлиб, хориж сармояларини жалб қилиш учун барча шароитларни яратган. Мазкур омил мексикалик ишбилармонлар диққатини ўзига жалб этмасдан қолмайди, албатта.

Юртингиздаги ташрифим чоғида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан самарали музокаралар ўтказдик. Жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидаги учрашувда давлатларимиз ўртасидаги савдо имкониятларини ўрганиш мақсадида мутахассислар алмашиш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишга келишиб олдик. Маданият ва спорт ишлари вазирлигидаги учрашув чоғида эса Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мексикалик санъат усталарининг иштироки юзасидан таклиф олдик. Мен эса ўзбекистонлик санъаткорларни Лотин Америкасида жуда машҳур бўлган «Сервантино» фестивалига таклиф қилдим.

А. Херандез-Басаве Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган учрашувлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Ўзбекистонда таълим ва миллий кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди элчи. — Мазкур ислоҳотлар тажрибасини бошқа давлатларда, жумладан, Мексикада ҳам қўллаш мумкин. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишига давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор.

Самарқандга қилган сафар хусусида гапириб, дипломат, жумладан шундай деди: «Самарқанд — кўп асрлик тарихга эга бўлган гўзал ва қадимий маскандир. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бу кўҳна шаҳарнинг таровати ва улуғворлиги мени ва оила аъзоларимни ҳайратга солди. Шу ўринда юртингиз пойтахти — Тошкент ҳам жуда ёқди. У жуда гўзал ва обод, аҳолиси эса ниҳоятда меҳмондўст экан. Мен хизмат юзасидан кўп юртларда бўламан. Аммо сизнинг шаҳарларингиздаги озодалик, ўзгача бир хотиржамлик муҳити, инсонларнинг меҳмондўстлигию самимийлиги одамни ўзига ром қилар экан. Айнан мана шу жиҳатлар ҳам, ўйлашимча, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириб туради».

**Зафар АБДУҒАФФОРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

# ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

***«Китоб темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамияти — тумандаги илғор корхоналардан бири. Жамиятнинг 170 нафар кишилик аҳил жамоаси жорий йилда 10 минг куб метр темир-бетон буюмлари, 90 минг куб метрга яқин шағал, шибин, ювилган қум маҳсулотларини тайёрлашга аҳд қилган.***





▼ Изланиш

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида иккита «Супер — МАЗ», иккита прицеп тиркама ва бошқа зарур техникалар харид қилинди.

Айни пайтда жамият томонидан тайёрланаётган қурилиш маҳсулотлари вилоятда барпо этилаётган коллеж ва лицей бинолари, саноат корхоналари ҳамда янги темир йўл қурилишларида фойдаланилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Маълумки, яқинда мамлакатимиз парламенти қуйи ва юқори палаталари кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори эълон қилинган эди.***

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Унга мувофиқ, Олий Мажлис ҳузурида жамоат фонди ҳамда мазкур фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиб, ишга киришди.

Қўқонда ташкил этилган "Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг мустақил ва демократик тизими — жамиятни демократик янгилашда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришнинг муҳим кафолати" мавзуидаги давра суҳбатида айни шу масала ҳақида айтиб ўтилди.

▼ Тадбир

Парламент комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Қўқон филиали ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг миқёсли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Чунончи, қуйи палата Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, қўмита аъзолари М. Абдуллаева, А. Юнусова ҳамда сенатор А. Алтиев фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этишди. Қайд этилганидек, парламентнинг мазкур ташаббуси замирида ҳам мамлакатимиз қонунларида белгиланган меъёрларни рўёбга чиқариш мужассамдир. Зеро, "Жамоат ташкилотлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Бундай ишлар бевосита Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар, грантлар ҳамда ижтимоий буюртмалар кўринишида амалга оширилади. Шу боис, янги жамоат фонди ва Парламент комиссиясининг тузилиши мана шу нормаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида йиғин иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ.**

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ — МУҲОФАЗАДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, бундай суғуртани амалга ошириш учун суғурталовчи мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши лозим. Шунингдек, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномасини тузиш, жабрланганларнинг суғурта товонини тўлаш ҳақидаги даъволарини кўриб чиқиш ва суғурта товонларини тўлаш ваколатига эга вакиллари бўлиши керак. Ҳозирда республикамизнинг камида 8 та суғурта компанияси ушбу талабларга жавоб бера олади. Яна 5-6 суғурта компанияси яқин келажакда ана шу фаолиятни амалга оширишга даъвогарлик қилиш учун реал имкониятга эга. Улар ҳам бу борада фаол иш олиб бораётир.

Хўш, мамлакатимиз суғурта бозоридаги етакчи компаниялар бу борада қандай ишлар олиб бормоқда? Улар янги Қонун талабларини бажаришга нечоғли тайёр?

**"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси раиси Шуҳрат Нурматов**нинг таъкидлашича, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши аҳолини ижтимоий ҳимоялашда катта аҳамиятга эга. Мазкур Қонунни рўёбга чиқариш суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан юксак тайёргарликни талаб этади. Масалан, суғурта компаниялари сифатли, ишончли, тезкор хизматни кўрсатиш, кенг агентлик тармоқларини яратиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш малакасига эга бўлмоғи лозим.

Айтиш жоизки, "Ўзагросуғурта" ўзининг 13 та вилоят дирекцияси, 173 та туман ва шаҳар бўлимлари, 20 та шўъба корхонасига эга бўлган республикамиз миқёсидаги йирик компаниялардан бири.

— Юқорида номи зикр этилган Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида компания ходимларининг профессионал билим ва кўникмаларини оширишга, уларни ўқитишга алоҳида эътибор бердик, — дейди Шуҳрат Иркинович. — Компания ҳузурида фаолият юритаётган ўқув марказида 700 дан ошиқ ходим учун машғулотлар ташкил этилди. Шунингдек, ўқув марказимиз билан ҳамкорликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга ошириш бўйича мутахассис ва агентларимизни ўқитиш дастурини ишлаб чиққанмиз.

— Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг жорий этилиши мамлакатимиз суғурта тизимига ижобий таъсир ўтказади, миллий суғурта бозоримизнинг янада жадал ривожланишига туртки беради, — дейди **"Ўзбекинвест" миллий компанияси бош директори Фахриддин Саидаҳмедов.** — Шу билан бир қаторда, нафақат суғурта соҳасида, балки автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, ҳуқуқ, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бевосита мана шу мажбурий суғуртанинг жорий этилиши билан боғлиқ янги иш ўринлари яратилади. Мутахассисларнинг қайд этишича, ушбу тизимнинг амалга оширилиши мамлакатимиздаги жами суғурта мукофотларининг камида 1,3 баробар ошишига олиб келади. Шу боис ҳам, "Ўзбекинвест" компанияси мазкур Қонун ижросига муҳим аҳамият қаратмоқда. Албатта, бу тизимни татбиқ этиш осон кечмайди. Зеро, мажбурий суғурта мамлакатимизда энди-энди шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Бу эса аҳоли орасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни талаб этади. Чунки амалиёт шуни кўрсатаяптики, аксарият транспорт воситалари эгалари мажбурий суғуртани қандайдир қўшимча солиқ йиғиш тури, деб ўйлашади. Мана шу жиҳатларни инобатга оладиган бўлсак, тегишли ташкилий чораларни кўриш тақозо этилади. "Ўзбекинвест" компанияси ўз ходимлари ҳамда агентларининг профессионал маҳоратини ошириш билан бир қаторда, суғурта даъволарини тартибга солиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича зарур механизмларни ишлаб чиқмоқда. Жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлган агентлик тармоқлари кенгайтирилмоқда.

Суҳбатдошларимиз эътироф этишганидек, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши мамлакатимизда фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда зарур ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, транспорт воситаси билан содир бўладиган ҳар қандай кўнгилсизлик оқибатларини бартараф этишда суғурта мукофотлари жуда асқотади. Бундан эса барча бирдек манфаатдордир.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Портлаш содир этилди

***Кеча Хитойнинг Куньмин шаҳрида иккита кучли портлаш содир этилди.***



"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, портлашларнинг биринчиси автобус бекати ёнида амалга оширилган. Дастлабки маълумотларда айтилишича, хунрезлик икки кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна 14 нафар фуқаро турли кўринишда жароҳатланди.

Ҳозирча қўпорувчилик ишлари ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилгани номаълум.

## Гаровдагилар қўйиб юборилди

***Туркиянинг шарқий қисмида гаровга олинган уч нафар германиялик фуқаро озодликка чиқарилди, дея хабар беради "Франс-пресс" ахборот агентлиги.***



Германиялик бир гуруҳ альпинистлар жорий йилнинг 8 июль куни Арарат тоғида курд исёнчилари томонидан гаровга олинганди. Шундан сўнг Германия канцлери Ангела Меркелнинг шахсан ўзи гаровдагиларни озод этишни сўраб мурожаат қилган эди.

## Муомалага киритилди



***Зимбабве Марказий банки мамлакатда 100 миллиард доллар миқдоридаги маҳаллий пул бирлигини муомалага киритди.***

Битта банкнотда 11 та ноль рақамлари мавжуд бўлиб, бироқ бу пулга бир дона ҳам нон бермайди, дейилади "Ассошиэйтед пресс" агентлиги хабарида. Юз миллиард Зимбабве доллари тахминан бир АҚШ долларига тенг келар экан.

Эслатиб ўтамиз, Зимбабве бугунги кунда дунёда инфляция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

## Энг қиммат харидоргир кўчалар

***"The Forbes" журнали дунё мамлакатларидаги энг қиммат харидлар амалга ошириладиган кўчалар рўйхатини эълон қилди.***



Мазкур тадқиқот иши "Cushman & Wakefield" консальтинг агентлиги билан ҳамкорликда олиб борилди.

Рўйхатга кўра, Нью-Йоркдаги Бешинчи Авеню (Fifth Avenue) дунёнинг энг қимматбаҳо харидоргир кўчаси, дея қайд этилди. Маълумотларга қараганда, бу ерда бир квадрат метр жой учун йилига 15 минг доллар ижара пули тўланади.

Кейинги ўринларни Гонконгдаги "Causeway Bay", Париждаги "Avenue des Champs-Elysees", Лондондаги "New Bond Street", Токиодаги "Ginza District" савдо кўчалари банд этди.

## Пингвинлар нега нобуд бўлмоқда?



**Кейинги икки ой ичида Бразилия қирғоқларида юзга яқин нобуд бўлган пингвинлар топилган.**

**Мутахассисларнинг фикрича, Антарктика океани сувининг ифлосланиши пингвинларнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.**

## Муносабатлар жиддийлашмоқда

***Испанияда ЭТА айирмачи гуруҳи ҳамда маҳаллий ҳукумат ўртасидаги муносабатлар тобора жиддийлашиб бормоқда.***




Куни кеча мамлакат шимолида мазкур гуруҳ томонидан тўртта портлаш содир этилди, дея хабар беради "Sky News" телеканали.

Биринчи портлашдан сўнг Баск жангариларидан бири ёнғинни ўчириш хизматига қўнғироқ қилиб, исмини ошкор этмаган ҳолда, портлашлар давом этиши ҳақида хабар қолдирган.

Эслатиб ўтамиз, ЭТА гуруҳи Европа ва АҚШдаги кўпгина портлашларни амалга оширишда бош-қош бўлган. Ўтган 40 йил давомида гуруҳ томонидан амалга оширилган қўпорувчиликлар 800 кишининг умрига зомин бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Фермерлар саховати

Кейинги пайтларда Қизилтепа туманида чорвачиликни ривожлантиришга кенг эътибор берилмоқда. Бунинг самарасини тумандаги фермер ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони 700 бошга кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Деҳқонободдаги энг йирик чорвачилик фермасида ўтган йилнинг ўзида 120 бош наслли бузоқ харид қилиниб, уларнинг парваришига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида моллар сони 400 бошга етди.

Қувонарли жиҳати, фермерлар кам таъминланган оилалар, меҳрга муҳтож кўнгилларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**2008-2009 ўқув йили учун магистратуранинг қуйидаги мутахассисликлари бўйича**
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- касб таълими (озиқ-овқат технологияси);
- тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари;
- озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари;
- чарм ва мўйна технологияси;
- нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси;
- нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш;
- йигирув технологияси;
- тикув маҳсулотлари технологияси;
- ёғни қайта ишлаш технологияси;
- дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш;
- озиқ-овқат хавфсизлиги;
- қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар.

**МАГИСТРАТУРАДА ЎҚИШ ФАҚАТ КУНДУЗГИ ШАКЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

**Керакли ҳужжатлар:** ректор номига ариза; олий маълумот тўғрисидаги диплом иловаси билан (асл нусхаси); 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат; фуқаролик паспортидан нусха.

**Ҳужжатлар 1 июндан 30 июлгача қабул қилинади.**

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Магистратурага кирувчилар танлаган мутахассислиги бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан ҳамда «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари» фанидан кириш синовлари топширадилар.

Магистратурага кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

**Институт манзили: Бухоро шаҳри, Қаюм Муртазоев кўчаси, 15-уй.**
**Телефонлар: (8-365) 223-74-01, 223-61-97.**

1190Н/260



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**ўз балансига қабул қилинган мол-мулкларни потенциал инвесторларга сотиш мақсадида танлов эълон қилади.**

1. Қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, қуйидаги ускуна ва жиҳозларни ўз ичига олган мулкий мажмуа:
   - *23000,0 минг кв.м. (жумладан, 5000.0 минг кв.м. ҳажмдаги кроплен ва гиплен қурилиш моллари) ПВХ плёнкалари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналар мажмуи;*
   - *4300,0 минг кв.м. ПВХ линолеумлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналар мажмуи;*
   - *500 тонна ҳажмда пластмасса хом ашёсидан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналар мажмуаси;*
   - *200 тонна ҳажмда полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналар мажмуаси;*
   - *Мулкий мажмуа қуйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, ишлаб чиқариш зонаси.*

   *Ишлаб чиқариш, маъмурий бино, иншоотлар ва омборхоналар жойлашган, майдони 37314,2 кв.м. бўлган мулкий мажмуанинг умумий ҳудуди 23 гектардан иборат.*
2. Танлов ҳужжатлари, шунингдек, танловни ўтказиш жараёни ва тартиби юзасидан барча маълумотларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Миллий банкнинг Кредит хатарлари бош бошқармасидан олиш мумкин.
3. Юқоридаги мол-мулк мажмуасига нисбатан барча танлов таклифлари Миллий банк томонидан 2008 йил 22 август куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов ҳужжатлари ҳамда танлов бўйича барча қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, ТИФ Миллий банки, Кредит хатарлари бош бошқармаси.

**Телефонлар: 234-42-69, 234-11-17. Факс: 235-57-04.**

1187Н/200



**РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ҒАЛЛАБАНК»**

**ҳамюртларимизга *йиллик 18 фоизли* қуйидаги янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:**

***«Ko`zgu» — муддати 1 ой; «Turon» — муддати 6 ой;***
***«Tong» — муддати 1 ой; «Zamin» — муддати 6 ой;***
***«Musaffo» — муддати 3 ой; «Foydali» — муддати 1 йил;***
***«Saraton» — муддати 3 ой; «Adolat» — муддати 2 йил.***

**Шунингдек, ҳисобланган фоизлар капитализация қилинадиган 1 йил муддатли йиллик 18 фоизли «OMAD» номли омонат турини таклиф этади.**

Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 1 сентябрига қадар қабул қилинади.

**ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

***Бундан ташқари, «Ғаллабанк» — барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига:***

**ходимларга ўз вақтида,** қулай тарзда маош тарқатиш, тўловлар бўйича ҳисоб ишларини енгиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида банкнинг пластик карточкалари орқали **«Иш ҳақи» лойиҳасидан** фойдаланишни таклиф этади;

**— ўз мижозларига «SMS-Banking» хизматини таклиф этади.**

Мазкур хизмат тури мижозларга ўз ҳисобварақлари, уларнинг айланмалари тўғрисидаги маълумотларни тез ва тўлиқ олиш имкониятини яратади. «SMS-Banking» тизимига уланиш учун ўзингиз мижози бўлган «Ғаллабанк» филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80.**

*«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!*

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

1178Н/1211



**Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари:**

- **еткизиб бериш;**
- **ўрнатиб бериш;**
- **ишга тушириш;**
- **бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.**







**«POLIMER GROUP ASIA»**

**Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.**

**Web: www.powerglob.com**
**e-mail: info@powerglob.com**



**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**

**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ "КЧМ",**

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

**Преимущества чугунных котлов:**

- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- несложное обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий мощностной ряд
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недостижимый для других котлов

**КАФЕЛЬ** (облицовочный и напольный)

**САНТЕХНИКА** (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

товар сертифицирован форма оплаты — любая

**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**

**Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04**

Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**236-09-25**
**232-10-63**
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 26 август куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 31 августдаги 11-0723/8420-сонли буйруғига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, Ўзгариш кўчасида жойлашган, «Бекобод МТП»га тегишли, умумий майдони 1,47 гектар бўлган омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 44 778 717 сўм.***

Шунингдек, 2008 йил 5 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2005 йил 6 декабрдаги ЖСХ-1-510-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Зангиота» ҚФЙ, «Зангиота» ш/х ҳудудида жойлашган, Р. Икромовга тегишли, умумий майдони 5773,41 кв.м. бўлган молхона, маъмурий бино, кушхона ва 2 та иссиқ хонадан иборат кушхона қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 42 806 770 сўм.***

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Қуйидаги кўчмас мулкнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 16 июлдаги 139-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 178-уй манзилидаги умумий ер майдони 1026 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотининг савдоси. **Савдони тўхтатишга асос:** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлимининг 2008 йил 14 июлдаги 7449-52/7-сонли хати.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

**Лицензия: DB 001 № 000004.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Ёз мавсумида санитария-эпидемиологик вазиятни назорат қилиш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида Самарқанд вилоятида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

— Сўнгги пайтларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаолияти ҳам такомиллашиб, улар замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди, — дейди вилоят давлат санитария-эпидемиология

**Назорат**

назорати маркази бош врачи Хайрулла Боймуродов. — Хусусан, вилоятдаги санитария-гигиена ҳамда ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси янги бинода иш бошлади.

Самарқанд аэропорти ва чегарадаги санитария-эпидемиология назорат пунктлари зарур воситалар билан таъминланиб, юртимизга келаётган кишилар ва автотранспорт воситалари тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари намуналари лабораторияларда чуқур таҳлил этилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли қўшни давлатлардан вилоят ҳудудига оқсим, безгак, вабо, парранда гриппи ва геморрагик иситма каби юқумли хасталиклар кириб келишининг олди олинаётир.

Сув ҳавзалари, дарё ва сойлар юқумли ҳамда паразитар касалликларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи баъзи сув манбаларининг қўшни мамлакатлар ҳудудидан бошланиши ҳам хушёрликни янада оширишни талаб этади. Шу сабабли Зарафшон, Оқдарё, Қорадарё, Эски дарғом, Янги дарғом, Нарпай, Туятортар, Мирзаариқ каби дарё, канал ва ариқлардан мунтазам равишда намуналар олиниб, текшириб борилмоқда.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



**Бу йил Наманган вилояти касаба уюшмалари бирлашмасида ёзги соғломлаштириш тадбирларига пухта тайёргарлик кўрилди. Шу боис, болажонлар сўлим ва баҳаво масканларда мириқиб дам олмоқдалар.**



# «ОФТОБЧА» БАҒРИДАГИ БОЛАЛАР

Жумладан, Поп туманининг Чодак қишлоғида жойлашган "Офтобча" болалар оромгоҳида бу йил 484 нафар ўқувчи мазмунли ҳордиқ чиқараётир. Дам олиш масканида яратилган юксак шарт-шароит ва қулайликлардан ёшлар бениҳоя мамнун.

Умуман, жорий йилда вилоят бўйича 14 минг нафар ўғил-қизнинг ёзги оромгоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш режалаштирилган эди. Шундан 6820 нафар бола касаба уюшмалари, хўжалик ташкилотлари ҳамда ота-оналар ҳисобидан шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда дам олса, 7180 нафар ўғил-қиз шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, ҳомийлар ҳисобидан мактаб, лицей, коллежлар қошидаги кундузги оромгоҳларга жалб этилиши лозим эди.

**Ёзги таътил**

Қувонарлиси, Ёшлар йили муносабати билан бу йил қўшимча равишда икки минг нафардан зиёд ўғил-қиз ёзги таътилни дам олиш масканларида ўтказмоқда. Улар орасида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор. Ижтимоий кўмакка муҳтож бундай ёшлар юксак ғамхўрлик ва эътибордан баҳраманд бўлмоқдалар.

**СУРАТЛАРДА:** *«Офтобча» болалар оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Узоқ умр кўришнинг сири нимада?

***Николай Амосов — машҳур жарроҳ, юракшунос олим эди. У бутун илмий фаолиятини юрак сирларини ўрганишга бағишлаган. Овозаси оламни тутган бу ғаройиб инсон бундан бир неча йиллар муқаддам хориж журналларидан бирига интервью беради ва бу суҳбат шов-шувга сабаб бўлади. Қуйида ана шу суҳбатни айрим қисқартиришлар билан ўқувчиларимизга илиндик.***

"Қарилик дегани нима? Аввало, бу ирсий ҳужайраларда белгилаб қўйилган табиий бир ҳолатдир. Ҳар қандай тирик вужудда ҳам дастлаб ўсиш ва ривожланиш, кўпайиш жараёнлари кечади. Кўпайиш дастури ниҳоясига етгач (асосан қирқ ёшга қадар), инсон энди табиат учун, ўз биологик турини давом эттириш учун ортиқ керак бўлмай қолади. Шундан сўнг қариш жараёни ўз йўли билан тезроқ ёки секинроқ кечаверади, бу энди одамнинг ўзига ато қилинган энергияни қай тариқа сарфлашига боғлиқ.

Ҳайрон бўлманг, бизнинг ҳар биримизга ўлчаб берилган энергия захираси бор! Шу захирани сарф қилиб бўлдингизми — тамом, бу дунё билан хайрлашаверинг! Бу фараз соф назарий мазмунга эга, агар ҳар қандай жонзот туғилган кунидан бошлаб шу энергияни иқтисод қилса, умри ўртача 30-40 фоиз узаяди.

Қариликнинг иккинчи сабаби — жигар, буйрак, мия ва бошқа аъзоларда турмуш муаммолари туфайли турли хил асоратлар тўпланиб қолишидадир. Бунда ташқи муҳит, бемаъни ҳаёт тарзи ҳам таъсирини ўтказади. Ва шу тариқа одам аста-секин сафдан чиқиб қола бошлайди... Ниҳоят, жисмоний залвор камаяди, машқий кўникмаларнинг бузилиши кучаяди. Бу — қариликнинг учинчи сабаби. Мен айни шу ҳолат билан курашмоққа қарор қилдим.

Бунинг учун ҳар куни эрталаб уч километр масофага югурар эдим. Гимнастик машқларга келсак, ҳар бир машқдаги ҳаракатлар сони тўрт баравар оширилди. Ҳозир мен тўрт минг ҳаракат бажараман, шундан уч мингтасини гантел билан адо

**Қойил!**

этаман. Гантелларнинг иккитаси беш килограммдан, биттаси ўн килограммдан иборат. Бундан ташқари, мунтазам равишда тош кўтариш машқлари билан ҳам шуғулланаман. Умумий ҳисоб билан айтганда, кунига уч-тўрт соат тош кўтариш машқлари билан банд бўламан. Қария одамга бундан бошқа қандай иш ҳам бўлсин? Бадантарбиядан сўнг, албатта, совуқ ваннага тушиб ювинаман. Илгарилари бундан қўрқардим. Қарангки, қарилик туйғуси йўқ бўлди, нафас олгандаги ҳансираб энтикишлар ҳам барҳам топди. Яна аввалгидек бир оёқда туришга ўргандим. Бўлмаса, шимимни ўтирмасдан кия олмас эдим. Хотира, эслаш қобилиятига келсак, у мен ўйлагандек яхшиланганини йўқ. Лекин қон айланиш кучайди, буни ҳар ярим йилда текширтириб тураман.

Фаол саъй-ҳаракатда бўлганим учун шу икки йил мобайнида касалга чалинмадим. Сўнгги йилларда пайдо бўлган стенокардия белгилари ғойиб бўлди. Ҳаттоки эски "душманим" — умуртқа поғонаси ҳам безовта қилмаяпти. Хуллас, ўзимни бутунлай соғлом сезмоқдаман. Энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, вужудимда жисмоний бардамлик туйғусини ҳис қилиб турибман.

Табиийки, ҳаддан ташқари куч-қувват талаб қиладиган бундай машқларни бажариш учун қай тариқа овқатланиш керак, деган савол туғилади. Кексаликнинг яна бир чатоқ томони шундаки, организмдаги сентиз суръати сусайиб, парчаланиш суръати ўзгаришсиз қолади. Бинобарин, кекса одам зарур миқдордаги оқсилнинг парчаланишига эришмоқ учун ёш одамга нисбатан кўпроқ жисмоний ҳаракат билан банд бўлмоғи лозим. Шунинг учун мен овқатланиш тартибини вазнимни қатъий назорат қилиб бориш асосида ташкил этганман. Тамадди қиладиган емакларим ҳам оддий. Асосийси, овқатнинг калорияси кам бўлиб, мева-сабзавотлар кўпроқ бўлиши керак. Чунки уларда витамин, микроэлементлар, яъни, организм нима билан тирик бўлса, шу нарсаларнинг барчаси мавжуд. Мен кунига тахминан 300 грамм хом сабзавот маҳсулотлари ва 100-200 грамм олма тановвул қиламан. Нонни иштаҳа билан ейман. Нонуштага ярим литрли кружкада сутли қаҳва ёки какао ичаман. Сариёғ, сметана истеъмол қилмайман. Сабзавотларга ўсимлик мойини хотиним жуда кам миқдорда солади. Гўштдан ҳам ўзимни тияман. Эрталаб бир дона котлет, кечқурун бир паррак колбаса менга кифоя.

*Бундан ташқари, умрнинг узун-қисқалиги инсоннинг феъл-атворига ҳам боғлиқ. Бировга ҳасад қилмайдиган кишилар ҳаммадан кўра кўпроқ яшайдилар. Ён-атрофидагиларга хушмуомалада бўладиган оққўнгил одамларнинг ҳам умри узун бўлади.*

**М. ЖОНИХОНОВ тайёрлади.**

**Спорт • Sport • Спорт**

***Ўзбекистон Футбол федерацияси мажлислар залида "Мамлакатимиз футболи тарғиботида журналистларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# Футбол тарғиботида журналистларнинг ўрни

*Унда марказий матбуот, телевидение ва радио ҳамда шу соҳага ихтисослашган нашрларда қалам тебратаётган спорт журналистлари иштирок этди. Тадбирда таъкидландики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт журналистларининг янги авлоди шаклланди. Бугун ўзбекистонлик спорт ишқибозлари дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган спорт янгиликларидан тезкорлик билан хабардор этиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, миллионлар ўйини — футбол тарғиботига кенг ўрин берилаяпти.*



*Йиғилишда 1993 йилдан чоп этила бошлаган "Ўзбекистон футболи" ва шу соҳага ихтисослашган бошқа нашрлар фаолиятини янада шакллантириш, чекка қишлоқларда футболни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилди.*

# Европа чемпионлари Ўзбекистонда

***Кеча юртдошларимиз яна бир шов-шувли воқеанинг гувоҳига айланишди. Яқинда миллионлаб футбол ишқибозлари ҳаяжон билан кузатган Европа чемпионатида ғолиб бўлган Испания терма жамоаси етакчилари Карлес Пуйоль, Андрес Иньеста ҳамда Францеск Фабрегаслар Тошкентга ташриф буюришди.***

Куннинг биринчи ярмида Европа чемпионлари Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбарияти билан учрашув ўтказишди.

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида "Евро — 2008" қаҳрамонлари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб беришди.

Кечқурун пойтахтимиздаги МҲСК стадионида Европа чемпионлари ўзларининг индивидуал маҳоратларини футбол ишқибозларига намойиш этдилар.

# Антиқа эҳтиром

***Бугун Хитой Олимпиада нафаси билан яшамоқда, десак муболаға бўлмайди.***

Мамлакатда нуфузли тадбирни ўтказиш учун жуда катта тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Мамлакат фуқароси Вэй Шэн ҳам ўзининг антиқа хатти-ҳаракатлари билан Олипиадага бўлган эҳтиромини намоён этди. У ватанида ўтаётган йирик мусобақа шарафи учун бошига 2008 та турфа рангдаги игналарни санчди.

Британиялик мутахассисларнинг фикрича, Вэй Олимпиадага бўлган эҳтироми туфайли ўзига азоб берган биринчи хитойлик ҳисобланади. У ҳақда яна бир маълумот: Вэй Шэн 2004 йилда бошига 1790 та игна санчиб, Гиннес рекордлари китобидан жой олган эди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

skywin
Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco.
100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14.
Тел./факс (+998 71) 140-04-24.
tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz
Зимний сад



Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco:
- архитектура и дизайн из стекла и солнечного света;
- высококачественные долгослужащие материалы;
- оптимальная вентиляция и теплоизоляция.
Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.
SCHÜCO
Поставка продукции только под заказ.
1134Н/1205

Abonent to'lovi
$0,00
O'zR uyali aloqa operatorlaridan kirish qo'ng'iroqlari
$0,00
Tarmoq ichidagi chiqish qo'ng'iroqlari so'zlashuvning 1-daqiqasidan so'ng
$0,01
"Ko'proq so'zlashing" tarif rejasi
Yanada ko'prog'ini kuting
ucell
1051R/248

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ҳамда жамоат ташкилотлари немис тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Муҳиддин Сатторовга падари бузруквори, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

**Саттор ота ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти жамоаси юрист Бахтиёр Ҳожихоновга қизи

**ШАҲРИЗОДАХОНнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» НМАК жамоаси компания газета чоп этиш цехи бошлиғи ўринбосари Назрулло Ҳамроевга волидаи муҳтарамаси

**СОРА аянинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6 8